

Қурилиш вазирлиги тизимида мурожаатлар билан ишлаш масалалари юзасидан **ҲИСОБОТ**

Тошкент шаҳар

05.10.2022

Қурилиш вазирлигида муурожаатлар билан ишлаш бўйича **самарали тизим жорий этилган.**

Бунда, марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотларида муурожаатлар билан ишлаш бўйича **алоҳида бўлим ва шўъбалар ташкил этилган.**

Мазкур бўлинмалар малакали кардлар билан тўлдирилган, моддий-техник базаси яратилган ва замонавий технологиялар билан **таъминланган.**

Фуқаролар қабули учун алоҳида хоналар ажратилиб, тегишли талаблар асосида **жихозланган.**

Муурожаатлар учун алоҳида телефон рақами, веб-сайт саҳифаси ва электрон почта **яратилган.**

Бугунги кунда вазирлик тизимида фуқаролар ўз муурожаатларини **ўзларига қулай усулда**, яъни, оғзаки, ёзма, телефон, интернет, порталлар ёки ижтимоий тармоқлар орқали киритишлари учун **барча шароитлар яратилган.**

Фуқароларни қабул қилиш ва сайёр қабулларни ташкил этиш бўйича **графиклар тасдиқланиб**, аниқ муддатлар ва масъуллар **белгилаб олинган.**

9 ойлик даврида вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотларига жами **28 122 та муурожаатлар келиб тушган.**

Жумладан, муурожаатларнинг **12 147 таси виртуал қабулхона** орқали, **10 023 таси электрон почта** орқали ва **12 008 таси ёзма кўринишда**, веб сайт орқали **3 391 таси** келиб тушган.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотлари раҳбарияти томонидан **370 марта фуқаролар қабули ташкил қилинган** (*бевосита идорада – 80 марта, сайёр қабулда – 290 марта*).

Бевосита вазирликка киритилган мурожаатларда асосан **қуйидаги масалалар кўтарилган:**

- архитектура ва шаҳарсозлик масалалари – **360 марта;**
- ер масалалари – **2 844 марта;**
- ноқонуний қурилиш масалалари – **2 447 марта;**
- қурилишда сифат масалалари – **765 марта;**
- танлов савдолари масалалари – **104 марта;**
- уй-жойлар ва бино-иншоотларни бузиш масалалари – **119 марта;**
- қурилишдаги норматив ҳужжатлар – **71 марта,**
- лицензия масалалари – **23 марта;**
- тадбиркорлик фаолияти масалалари – **30 марта;**
- нотурар объектларни турарга ўзгартириш- **133 марта;**
- тизим ходимлари хатти-ҳаракатларига оид масалалар – **195 марта;**
- таълимга оид масалалар – **57 марта;**
- қурилишга рухсат бериш масалалари – **172 марта;**
- Пудрат-рейтинг масалалари – **262 марта**
- бошқа турли масалалар – **758 марта.**

Ҳисобот даврида вазирликга келиб тушган барча мурожаатларни кўриб **чиқиш натижалари қуйидагича бўлган:**

- **18 745 та** муурожаат буйича масалалар ечими юзасидан зарурий тушунтиришлар берилган;

- **7 693 та** муурожаатда кўтарилган масалалар қаноатлантирилган;

- **369 та** муурожаат тегишлиги буйича бошқа масъул ташкилотларга юборилган;

- **207 та** муурожаат тегишли тартибда рад этилган.

- **369 та** муурожаат тегишли тартибда кўриб чиқиш тугатилган.

- **25 та** муурожаат тегишли тартибда кўрмасдан қолдириш.

Шунингдек, айна вақтда яна **491 та** муурожаат кўриб чиқилмоқда.

Бироқ, ҳисобот даврида **610та** муурожаатни кўриб чиқиш **муддатлари бузилган**.

Мазкур муддат бузилиш ҳолатлари буйича масъул раҳбар ва мутасадди ходимларга нисбатан **тегишли чоралар қўлланилган**.

Хусусан, ҳисобот даврида мазкур камчилик ва қоқоқликларга йўл қўйган **70 та** ходимга **хайфсан эълон қилинди**.

Бундан ташқари, **13 та** ҳолат буйича ходимларнинг иш ҳақи ва рағбатлантириш устама тўловлари буйича **жарима ҳам қилинди**.

Устувор вазифамиз сифатида муурожаатлар билан ишлаш буйича ишларни **янада кучайтирамиз** ҳамда бу борада **масъулиятни кескин оширамиз**.

Ҳар бир муурожаатда кўтарилган масалага **масъулият билан ёндошиб**, уларнинг ечими юзасидан **барча чораларни кўрамиз**.